

# ОИЛА ВА ЖАМИЯТ



36 сон  
1997 йил 3 -  
9 сентябр

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллик куни — 1991 йил 1 сентябрдан чиқа бошлаган

Муассислар: Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар кўмитаси, Болалар жамғармаси ва «Соғлом авлод учун» Халқаро хайрия жамғармаси

Кечки овқатдан кейин газета ўқиб утирсам, олдимга секин юриб уғлим кириб келди. Юз-қуларининг ифодасидан нимадир сурамоқчилиги яққол сезилиб турарди.

— Ҳа, Жаҳонгир, — дейман қўлимдаги газетани стол устига ташлаб, — нима бўлди?

— Менга сумка, ручка, дафтар, рангли қалам олиб келиб беринг, — дейди у бармоқларини букиб-букиб санаркан.

— Нима қиласан?

— Мактабга бораман-да!

— Сен ҳали кичкина-ку, бу йил мактабга олишмайди, янаги йил борасан.

— Турабек журам борапти-ку, мен ҳам борай, — дейди у йиғламсираб.

Ундаги ўқишга булган иштиёқдан хурсанд бўламан ва уйда ўқиб-ёзишни урга-

## «МАКТАБ, АНЖУМАН БОРФИЛ...»

наверса, янаги йил мактабга бориб фақат беш баҳо олишини айтиб юпатаман...

Эрталаб ишга кетаётиб, чиройли кийимлар кийиб, қўларига турфа гуллар ушлаган жажжи уғил-қизларнинг илк бор мактаб томон шопилаётганини куриб уларга хавасим келди. Уларни олдинда «Илмлар мамлакати» бўйлаб ун бир йиллик мароқли ва машаққатли сەҳат кутмоқда. Мароқлики, ватан тарихини турли қора буюқлару тақиқларсиз асли ҳолича урганадилар, алабиет гулшанида ажойиб асарларга ошно буладилар, математика, киме, физика каби тилсимларга бой фанларнинг сирларига счим из-

лайдилар. Машаққатлики, халқимиз бекорга «Илм олмоқ нина билан қудук қазмоқдир», демаган.

Мамлакатимиздаги мактаб, лицей ва гимназияларда озод юртнинг беш миллиондан ортқ фарзандлари таҳсил олмоқда. Шулардан салкам 650 минг уғил-қиз илк бор мактаб партасига утирди. Вазирлар Маҳкамасининг яқинда қабул қилган қарорига асосан, уларга ўқув куроллари бепул тарқатилди. Умуман, кейинги йилларда мамлакатимизда таълим тизимига эътибор кучаймоқда. Утган куни уз ишини якунлаган Олий Мажлиснинг тўққизинчи сессиясида

«Таълим тугрисида» қонун ва Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури тасдиқлангани ҳам шундай далолатдир. Қўқон шаҳридаги 10-урта мактаб ўқитувчиси Манзура Мамадалиевага «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвонининг берилиши эса ўқитувчи, устоз-муаллимлар ҳеч қачон бу қадар қадрланмаганининг исботи эмасми!

Барча халқ таълими ходимларига, ўқувчи ешларга янги ўқув йили муборак бўлсин! Фарзандларимизнинг «Илмлар мамлакати»га сафари чинданда мароқли ва самарали бўлсин. Ваҳоланки, Президентимизнинг сузлари билан айтганда: «Бизга битирувчилар эмас, мактаб таълим ва тарбиясини қурган шахслар керак».

Дармон ИБРОҲИМОВ



Самарқандда бир ҳафта давом этган «Шарқ тароналари» Халқаро мусиқа фестивали ниҳоятинга етди.

Самарқанд юраги — Регистон

## РЕГИСТОН САНЪАТКОРЛАР БИЛАН ХАЙРЛАШДИ

майдони 1 сентябр куни фестивал қатнашчилари, узоқ-яқиндан келган меҳмонлар, мусиқа ихлосмандлари билан гавжум бўлди. Бу ерда «Шарқ тароналари» Халқаро мусиқа фестивалининг тантанали ёпилиш маросими бўлиб ўтди. Анжуман ғолиблари ва совриндорлари эълон қилинди.

Республика Бош вазирининг уринбосари, мазкур фестивални ўтказиш ташкилий кўмитасининг раиси Исмоил Жўрабеков ҳамда халқаро таълим хайрия раиси Харума Кашиба хоним томошабинларини

нг олқишлари остида анжуман ғолибларига фестивал совғаларини топширдилар.

Халқаро ҳақамлар ҳайъати озарбойжонлик Симага Имонова санъатини гран-при — фестивалнинг энг олий мукофотига муносиб, деб топди. Биринчи мукофотга Муножот Йўлчиева (Ўзбекистон), Шанну Кхурана (Хиндистон), иккинчи мукофотга Хи Ли (Хитой), Шахрам Назарий (Эрон), учинчи мукофотга Погасайхан (Муғулистон), А.Саможиков (Россия), Рамазон Стамгозиев (Қозғистон) сазовор будди-

лар. Ҳақамлар ҳайъатининг махсус совринлари Изро Малаков (АҚШ), Кипу Шигари (Япония), Самира Салоҳ ва чолгу дастасига (Миер) топширилди. Фестивал ташкилий кўмитасининг махсус мукофотига Туркменистон вакили Парахат Шҳимов, ЮНЕСКО махсус совринига корейлик Ли Жун А лойиқ топилди. Шунингдек, фестивал иштирокчиларига Ўзбекистон Республикаси жамоат ташкилотларининг, қорхона ва муассасаларининг, Самарқанд шаҳар ҳокимлигининг

эсдалик совғалари тақдим этилди.

Фестивал давомида «Шарқ халқлари мусиқа санъатининг муштараклиги» мавзuida ўтказилган илмий-амалий конференция қизгин фикр ва мулоҳазаларга, изодий баҳсларга бой бўлди. Конференция қатнашчилари «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали анъанавий бўлиб қолиши тугрисида декларация қабул қилдилар.

Мазкур фестивал мамлакатимизнинг улкан салоҳияти, халқимизнинг маънавий ва санъатта буюк эҳтиромидан далолат берди.

## БЕНЗИН МЎЛ БЎЛАДИ

Ахборот

Уттан ҳафта республикаимиз иқтисодий салоҳиятини мустақамлашда катта аҳамиятга эга бўлган йирик иншоот — Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи ишга тушди. Завод гоёта қисқа муддатда — режадаги 57 урнига 28 ойда қуриб битказилди. Қурилишда Франция, Туркия ва Ўзбекистоннинг қурувчи ва муҳандислари, техник ходимлари ва монтажчилари жон куйдириб меҳнат қилишди.

Бу ерда Европа стандарти талабларига тўлиқ жавоб берадиган бензин, авиакеросин, дизел еқилғиси ва бошқа турдаги снлиги-мойлаш маҳсулотлари ишлаб чиқарилади ва унинг бир қисми четта экспорт қилиниши кутилмоқда.

«Ўзбекнефтгаз» корпорациясида ўзбекистонлик ва хоризжик журналистлар учун бўлиб уттан матбуот конференциясида шулар ҳақида суз борди. Бош вазир уринбосарлари Б. Ҳамидов, Қ. Ҳаққулов, Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки бошқаруви раиси Р. Азимов, «Ўзбекнефтгаз» корпорацияси бош директори В. Товаровский ва бошқалар мухбирларни қизиқтирган қуллаб саволларга жавоб беришди.

Конференцияда пойтахтлик автомобил эгаларини хурсанд қилиши мумкин бўлган янгилик ҳам айтилди. 10 сентябрдан бошлаб Тошкентдаги АЕ-ҚШларга Бухоронинг юқори сифатли бензини келтирила бошлайди.

Ўз мухбиримиз

## Тахририят почтасидан

## КЎП НАРСА ЎРГАНИШ МУМКИН

Мен севимли «Оила ва жамият» газетасининг ашаддий мухлисман. Газетанинг ҳар бир сонини сабрсизлик билан кутаман, уни қўлимга олишим билан худди аскар уйдан хат олгандай қувонаман.

«Оила ва жамият»нинг айрим саҳифаларини мутолаа қила туриб, шунчалар тасвирланаманки, ҳатто кўзимдаги ёш томчиси юзимга тушганини ҳам сезмай қоламан. Мен истардимки, мактабларда юқори синф укучилари ушбу газетага обуна булсалар, айни муддао булар эди. Чунки ёшлар ушбу газета орқали ҳаётга тайёрланиб борар, сабрқаноатли, иродали булишни урганишар эди.

Мустақиллик байрами ва газета ташкил топганининг олти йиллиги билан «Оила ва жамият» тахририяти ходимларини чин қалбимдан табриклар, ижодларига барака тилайман!

Гавсияхон СОБИРОВА,  
Яккасарой тумани

Ҳозир матбуот нашрларини танлаб укйидиган пайт. Ким қайси газета еки журналга меҳр қўйса, ушани топиб укйиди. Биз эса бир неча йиллардан бери «Оила ва жамият» ҳафталик газетасини қўлдан қўймай укйиб келамиз. Унинг саҳифаларида айтилаётган гашлар, кутарилаётган муаммолар қалбимизга жула-жула укйин. Шунинг учун ҳам унинг ҳар бир сонини бошдан-адоқ қолдирмай укйимиз. Айниқса унинг кейинги сонлари мазмунли ва укйишли бўлиб бораётганлиги бизни янада хурсанд қилди. Аммо бизни ташвишга солаётган нарсаси шуки, «Оила ва жамият»нинг кейинги сонларини дуконлардан излаб то-

Хат

Сурхон томонларда

## ФАХРИДДИННИНГ ШАРОФАТИ

Андижон шаҳрида утказилган «Уйда хизмат курсатишда йилнинг энг намунали ижтимоий ходими» республика курик-танловига Қумқурғон туман ижтимоий таъминот бўлими ходими Фахриддин Йўлдошев ҳам қатнашиб, голибликни қўлга киритди. Пешқадам чиққан бу йигит республика ижтимоий таъминот вазирлигининг қимматбаҳо мукофоти билан тақдирланди. Янгидан шарофат деганларидек, Фахриддин биринчи уринини эгаллаганлиги учун Сурхондарё вилоят ижтимоий таъминот бошқармаси «Дамас» снгиел автомашинасини совға қилди.

## ЎТ ЎЧИРУВЧИЛИК ОСОНМИ?

Термиз шаҳрида 14-16 август кунлари бўлиб утган мусобақалар шуни яққол курсатдики, у қадар осон эмас экан. Жисмонан соғлом, абжир, довурак, фидойи одамларгина бу касбнинг нонини ҳалоллаб ея олишаркан.

Мусобақада мамлакатимизнинг турли шаҳар ва вилоятларидан 17та жамоага бириккан 200 нафардан ошиқ моҳир, чаққон ут учирувчилар қатнашдилар. Беллашувда умумкоманда ҳисобида Тошкент шаҳри биринчи, Тошкент ёнгина қарши олий мактаби талабалари иккинчи, Тошкент вилоти учинчи уринини эгаллашди. Шиддатли ва қизикарли кечган мусобақа мамлакатимиз ут учирувчиларининг шу кунларда қандай имкониятларга, маҳоратга эга эканликларини исботлади.

## МАҲОРАТ МАКТАБИ

Айтиш керакки, халқ миллий хунармандчилиги борасида Сурхондарё вилоти узига хос катта мактабга эга. Термиз шаҳридаги укучилар саройида бўлиб утган «Уста ва шоғирд» вилоят курик-танлови бунини яна бир қарра исботлади. Бунда Узун туманидан ташриф буюрган зардуз Гулбахор Норматова шоғирдлари Шохиста Шамисева, Гузал Қурбоновалар ҳамда жарқурғонлик кулол Галина Буроновалар биринчи уринини эгаллашди ва республика курик-танловида қатнашадиган булишди.

Ўз мухбиримиз

## БИЗДА НИМА АЙБ?

полмаяпмиз. Сабабини сурасак, сотувчилар «вилоят «Матбуот уюшмаси» ҳиссадорлик жамияти бўлими катта қарзга ботиб қолганиги учун қўллаб газеталар келмаяпти, шуларнинг қаторида «Оила ва жамият» ҳам бор» дейишмоқда. Хуш, матбуот уюшмаси қарзга ботган булса, газета мухлисларининг бунда нима айби бор? Уйлаймизки, масала яқин кунларда уз ечимини топади ва биз яна севимли газетамизни укйишда давом этамиз.

Ҳамид ТОШПҮЛАТОВ, қурувчи,  
Бозор ИЛЁСОВ доцент,  
Ўроқ ИБРОҲИМОВ доцент,  
Хуррам АШИРМАТОВ, шифокор,  
Икром ИСМОИЛОВ, матбаачи,  
Чори ШОЙМУРОДОВ, доришунос,  
Сурхондарё вилоти



— Байрам зўр бўлди-да...

Якшанба кунини Парижда руй берган автомобил ҳалокати оқибатида Уэлс маликаси Диана ҳалокатга учради. Ҳайдовчи катта тезликда келаётган машинани бошқаролмай қолган. Машина Сена дарёси тагидан утган ер ости йўлига ағларилиб кетган. Фалокат содир бўлган жойга етиб келган ут учирувчилар Диана ва унинг ҳамроҳларини машинадан чиқариб олиш учун роса бир соат уринишган.

Маликанинг ҳалокатида Буюк Британияда мотам эълон қилиниб, барча қизикарли ва оммавий тадбирлар тўхтатилган. Йирик давлатларнинг раҳбарлари юз берган фожиа муносабати билан таъзия иззор этишди.

Россияда турли хил маслак ва мазҳаб тарафдорлари бемаза қовушинг уругидай кўпайиб кетган. Бунинг оқибатида мамлакатда 250 минг оила инқирозга юз тутган. Қарийб шунча болаларни ташлаб кетган ота-оналар ана шу мазҳабларга қушилишган. Бу маълумотлар Россия федерация-

сининг назорат этувчи бўлим прокурори В.Наварнов хабарига келтирилган.

Унинг айтишича, фуқаролар қаршилигига дуч келаётган мазҳабчилик мамлакатда тобора томир ёйиб бормоқда. Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва медицина саноятининг маълумотларига қўра, 1997 йили ҳар хил мазҳабларга 3 миллиондан 5 миллионгача фуқаро тортилган. Уларнинг 70 фоизи 18 дан 27 ёшгача булган ёшлардир. Мутаассибларнинг 80 фоизи олий маълумотли, 1 миллионга эса талабалар бўлиб, уларнинг 3 дан 1 қисми укйишларини ташлаб кетишган.

Кипрда юз берган қуйидаги воқеа узини тия олмайдиган амалдорларга яхши сабоқ бўлди. Бу мамлакатдаги йирик сайехлик компанияларидан бирининг ҳужайини узининг котибасига қаттиқ тиргалди. Бироқ еш ва сохибжамол котиба ҳужайинининг тақлифларини рад этди. Бундан газабланган ҳужайини куч ишлатиб, қизини зўрламоқчи бўлди. Котибанинг кес-



кин қаршилигига дуч келгач, уни иш билан кумиб ташлади. Бошқа ходимлар олдида хурлаб, ҳақорат қилишни бошлади. Бу билан энди ҳам шум ниятига ета олмаган раҳбар оҳир-оқибат қизини ишдан ҳайлаб юборди. Хурланган котиба Никосия судига муурожаат этди. Пойтахт суди «Инсон ҳуқуқларини қўпол равишда бузгани ва тиргалгани учун» бизнесмен устидан жабрланувчига 10 минг доллар жарима тулаш ҳақида ҳукм чиқарди.

Фолбинлар ҳам галати одамлар. Уларнинг сиебатга «аралиши» хамина ҳам муваффақият келтирмайди. Оқибати эса аён — фолбин расвоий олам бўлади. Венесуэлалик астролог Хоса Бернарда Гомес шу йили июн ойида Венесуэла президенти Рафаэл Калдеро ҳокимият-

дан кетали ва қазо қилди, деб башорат қилган эди. Яқинда президентнинг хотини Алиса Петри 81 ёшли эрининг «хуқиздай бақувват»лигидан тувох берди. Фолбин Колумбия президенти Эрнесто Самперуни ҳам ҳокимиятдан ажралиб қолишини айтган эди. Бирок унинг бу фолли ҳам тугри чиқмади.

Президентларнинг қариндош уруғлари, тарафдорлари фолбиннинг айтганлари амалга ошмаганидан хурсанд. Машҳур астролог эса журналистлар қузига қуришишдан чучиб, яширишиб юрибди Қилмиш-қидирмиш деганлари шу булса керак-да.

Украинанинг Одесса шаҳри раҳбарияти қийин иқтисодий шароитда фуқароларни моддий томондан қўллаб-қувватлашнинг гаройиб йуғларини уйлаб топишди. Шаҳар кенгаши 100 ешга етган фуқаронини уй ҳақини тулашдан озод этиш ҳақида қарор чиқарди. Одессаликлар бу «жиддий тадбир»дан қулиши-

ни ҳам, қуйишни ҳам билмайдилар. Чунки ҳозирги шароитда 100 ни қоралашнинг узи буладими! Масалан, Россияда эркакларнинг уртача умр қуриш мудлати 57 ешга тушиб қолган.

«The World in 1997» алманахи Европа мамлакатларида аҳоли жон бопига нисбатан қамалганлар ҳисобини эълон қилди. Собиқ Иттифоқ республикалари орасидан Россия бу руйхатда биринчи уринини эгаллади.

Энг кўп отишмалар Техасда (АҚШ) содир буларкан.

Франция, Дания, Белгия, Швеция каби мамлакатларда қаммоққа олинганларнинг 40 фоизи гайри қонуний яшаётган мухожирлар экан. АҚШда эса қамалганларнинг аксарияти (қарийб 80 фоизи) қора тапилар ва Латин америкаликлардир.

Жиноят таркиби бўйича Болгария, Венгрия ва Албанияда босқинчилик ва угирлик устуғлик қилса, АҚШда турмага тушганларнинг 44 фоизини нашавадилар ташкил этади.

Байрам учрашувлари

Ўзбек адабиётида 60-йиллар муҳим ўрин тутади. Зеро, XX аср ўзбек адабиётидаги юксалиш даври айнан мана шу йилларга тўғри келади. Уша йиллари адабиётга кириб келган Э. Воҳидов, Р. Парфи, Ш. Холмирзаев, У. Ҳошимов каби ўнлаб шоир ва носирлар ўзларининг янгича қарашлари, ёрқин истеъдодлари билан адабиётимиз осмонида ёрқин юлдузлардек чарқлаган эди.

Элимизнинг атоқли шоири Абдулла Орипов ҳам мана шу авлод вакили, гарчи истеъдоднинг пайдо бўлганлигига қарийб ярим аср бўлаётган эса-да, у яратган асарлар атрофидаги изланишлар, кузатишлар ҳали-ҳамон тингани йўқ. Назаримизда Абдулла Орипов истеъдоди қирраларининг юздан биричи ҳам очиб ўлгурмагандекмиз.

казиб юборилди. Мен бу билан уша даврни, ушандай қаттиқ тартибни қораламоқчи эмасман. Керак булгани учун шундай қилинган, албатта. Гап келганда айтдим. Ҳозир эса эркинимиз. Мана, ҳар келганимизда, Хайратонга ҳам кираман...

Умуман, Сурхондарё ҳақиқий ўзбекона урф-одатларни, халқимизнинг туғма фазилатларини, уруғ ва шевадарини, қушқик ва рақсларини, дostonларини бузмасдан сақлаб келган юрт. Ундаги бу асликни на араблар, на мугуллар ва на бошқа чет эл

радиган нарсалар езда ҳам, қипда ҳам булади. Тогларда эса ҳамма фасл ҳам яхши.

— Насрий асарлар ёзишга ҳам қўл урганмисиз?

— Ҳозирча йўқ. Аммо қиссами, романми, нимаики чиқса, қолдирмай ўқиб бораман. Баъзилар таржимаи ҳолини элади. Мен ҳар қандай нарсани ҳам асар деб айтолмайман. Насрий асарлар ёзишга эса атайлаб қўл урганум йўқ. Балки вақти-соати келиб бу ҳам амалга ошар. Чунки шеърга сиғмайдиган кузатишлар, тажрибалар бор...

шундай қилишга мажбур буларми? Давр билан куп нарса боғлиқ экан-да.

— Фарзандларингиздан бирортаси ижод йўлини танлаганими?

— Йўқ.

— Оқ шеърга муносабатингиз? Ҳозир кўпгина ёшлар оқ шеър ёзиш осонроқ деб унга ўзларини уришяпти.

— Шеърят шаклларининг осони йўқ. Ҳар бири ҳам маҳорат талаб қилади. Хар қандай шеър гариб ёки муваффақиятли чиқса, бу ижодкорнинг маҳорат даражасини белгилайди. Мана Нозим Ҳикматнинг бир оқ шеъри:

Мен бир минг тўққиз йўз  
ўн иччи йилда туғилдим,  
Туғилган жойимга қайтиб  
бора олмадим...

(Шоир шеърни охиригача таъсири килиб ўқиди)

Қаранг, қандай юракка яқин. Демак, у оқ шеърми, кук шеърми, қизил шеърми, таъсири чиқиши учун истеъдод лозим.

— Истеъдодли ёшларни қўлаб-қувватлаш жамғармасида ишлайсиз, депутатсиз, бунинг устига, Тошкент давлат университетининг журналистика факултетида дарс ҳам берам экансиз. Ижод ҳам қилишингиз керак. Бунча кўп иш оғирлик қилмайдими?

— Университетдаги ишмдан ҳеч қандай моддий манфаатдорлигим йўқ. Уша ердаги қорақўзларга билганларимни ургатиб, маънавий оламини бойитишга озми-купми ҳисса қўшсам, дейман. Бу аънаа устозларимдан қолган. Катта адиблар дарсларини тинглаганман. Уша таъсир ҳеч юрагимдан чиқмайди. Мен ҳам билганларимни орқалаб кетаманми? Бу ишни мен қилмасам, ким қилади? Ҳеч бўлмаса, 50 нафар студентларимни эшитса дейман. Энди ешим бир жойга етганда, уқитувчиликни касб қилиб олиш, илмий иш қилишдан йироқман...

— Мазмуни суҳбатингиз учун раҳмат!

Суҳбатдош: Муҳаммад АЗИМОВ, «Сурхон тонги» газетаси мухбири

— Ижодкор учун энг муҳим фазилат нимада деб биласиз?

— Ижодкор учун, аввало, истеъдод, сунг эса, меҳнатсеварлик, изланувчанлик керак. Истеъдодсиз меҳнат эса йўқ нарсалар. Истеъдодсиз ижод бўлмайди. Ижод бу сўзма-сўз таржима қилсангиз, йўқ жойдан барпо қилиш демак. Кулол бўюми ҳам, маҳсилуз маҳсиси ҳам унинг ижоди. Бадиий ижод шунга ухшаб кетади. Маҳсулот сифати, унинг санъат асари даражасига кутарилган-кутарилмаганилиги эса бошқа масала, бу ижод эгасининг маҳоратиға боғлиқ.

Яна бир нарса: ижодкор учун энг муҳим фазилатлардан бири самимият деб биламан. У бор жойда тўқима гаплар, алдамчи кайфиятлар бўлмайди. Ижод кенг бир майдон, ҳар ким қулидан келганича чин юракдан эсин...

— Еш ижодкорлар фаолиятидаги қайси йўналишлар сизга маъқуд қайси жиҳатлар кўнглингизга унча ўтиришмайди?

— Ҳозирги кундаги бошловчи ижодкорларнинг савияси жуда баланд. Уларнинг ҳар қандай шеъри, дейлик, 50-йилларда ном қозонган қуштина шоирларнинг шеърларидан ҳар жиҳатдан устун туради. Бунинг маълум сабаблари бор, албатта. Ораликда катта тараққиёт, олға силжиш мавжуд. Ҳозирги ёшларимиз жаҳон адабиётидан яхши хабардорлар, улар бадиий ижод сирларини яхши, пухта эгаллаб олишган.

Мамлакатимиз мустақилликка эришти. Бу, хусусан, ижод аҳлининг фикрини, оёқ-қулини озод қилди. Бошқача айтганда, мириқиб, эркин езадиган давр келди. Тўғри, маълум даражада иқтисодий қийинчиликлар бор. Аммо бу фақат қалам ҳақи учун ёки яхши асарлар ёзмаслик учун баҳона бўлолмайди. Ахир, Муқимий, Фурқатлар қалам ҳақи олмаган-ку. Улар ёзишган.

Еш ижодкорларимизда, улар езаётганлари нечоғлик юксак бўлмасин, епликка хос булган бир умумий камчилик кузатилади. Бу китобийлик ва зурма-зурракчиликдир. Шу сабабли ҳам куп шоирларнинг шеърлари бир-бирига ухшайди. Аммо истеъдодлар ҳар қандай шароитда ҳам ўзларини курсата биладилар. Купчилик орасидан вақти-вақти билан катта шахс даражасидаги ижодкорлар етишиб чиқади.

— Журналистика бўлимида ўқиган кезларингиз амалий практикангизни Термизда — ҳозирги «Сурхон тонги» газетасида ўтказган экансиз?...

— Ҳа, ишлаб чиқариш практикисини шу ерда утказгандим. Газета редакцияси Термиз бозори сонида эди. Гоҳ редакция биносида етиб қолган пайтларимиз булган, кейин эса ижарада турдик. Ушанда ҳар кун ишёр езадиган давримиз эди. «Сен баҳорни соғинмадингми?», «Дарбанд дареси», «Бойсун» каби шеърларим уша пайтларда, шу ерда езилган. Дарвоқе, Шукур

Абдулла ОРИПОВ:  
«ТУРКИЙ АСПЛИКЛАР  
ЮРТИ БУ!»

Холмирзаев билан беш йил бирга уқиганман. У билан Бойсунга куп борардик. Бир гал борганимизда у мени овга олиб чиқди. Шукурнинг қўлида милтиқ. У ҳар гал овга чиққанида гоҳ қийик, гоҳ тунгиз, гоҳ бури отиб олганлиги, неча-неча бор айёқ овлаганлиги, хуллас жуда абжир ва омадди, довиорак овчилик ҳақида гурунглари билан мени қойил қолдириб борарди.

«Мана қурасан...» — деган гапни ҳам ишлатиб қуярди. Чорчинор томонга кетдик. Тусатдап Шукурнинг қизгин гуруни бўлиниб қолди. Яқиндаги дарахт тағидан бир дум лиқиллаб куришиб турарди. Икковимиз ҳам курқанимиздан бақириб юбордик. Шукур милтиқ билан, мен шундай ҳолимча орқага ура қочдик. У дарахт томирини қавлаётган ёввойи чўча экан. Тунгиз нариги еққа уриб кетди. Биз икки овчи шу қочганимизча Шукурларнинг уйигача келибмиз. Ҳеч ўпкамизни босиб ололмаймиз.

Аммо Термизга келиш биз учун ҳампила мушкул туоларди. Кейин ҳам йўлимизни куп бор боғлаган шу нарса булди. Чунки Термиз чегара хулуди ҳисобланар, бу ерга келиш учун қандай ҳужжатлар тулпашни-туриланишни билмасдик. Уша студентлик пайтларим. Қарнидан келяман, Ангор ққинидаги чорраҳада чегарачилар тухтатишли. Ҳужжатимда залкашдик бор экан, бир-икки соат будкага қамаб қўйинди. Ушлари эса паства — яппайлиган жойлари яқинида волейбол уйнашга берилиб кетишли. Ниҳоят, анча вақтдан сунг чамалонимни очириб, бошқа ҳужжатларимни ҳам кургач, қаерда уқишим, япашимни сураб-суриштиргач, Термизга ут-

босқинчилари буза олишган. Улар шаҳарлар томон утиб кетаверишган, аслик эса сақлаиб қолаверган. Хар қадамла шеър, ҳар қадам тарих бу юртинг. Асл туркий ақл шу ерда.

Шу боис, воҳа езувчи-шоирларига ҳавас қиламан. Шукур Холмирзаевнинг туқсон фоиз қаҳрамонлари, Тоғай Муроднинг барча асарлари қаҳрамонлари шу ер одамлари. Бу юрт очилмаган куриқдир. Шунинг учун унинг ижодкорлари асарлари шаҳарларда шоколад чайнаб, уйлаб-топиб ижод қиладиганлардан езадиганлардан фарқ қилади: оммабоп сюжетлардан, китобийликдан ҳоли. Шаҳарлик қўпгина ижодкорларнинг езаганлиги эса на уз қиефасига ва таъбир жоиз бўлса, на ота-онасига эга. Уларда урф-одатлар, гап-сузалар бутқалай, шу сабаб, инкубатор жужаларидай бир хил туоллади. Халқ оғзаки ижодида ҳам ана шу аслик, самимият, теранлик сақланган. Бахшилар яратган мана бу мисраларни, образни қаранг:

Тогларда журган сўгур-а,  
Бағрини босар қорларга...

Оташ-иссиқ булган, қўпгина касалликларга даво булган сугурнинг қиш қушида ҳам иссиқлаб кетиб, бағрини қорга беришини тасвирлаган бушай қўйма, теран мисралар қайси шоирда бор. Бахшиларда бундай мисралар сон мингта. Улар табиатдан олинган бетакрор образлардир. Езма адабиёт вакили булган қўпгина шоирларда мана шу икки сатрга теги келадиган нарсани топа олмайсиз.

— Қайси фаслни яхши кўрасиз у ижодингизга қандай туртки беради?

— Гап фаслда эмас. Одамнинг жонига тегадиган, толиқти-

— Ўз ижодий фаолиятингиздан тўла қониқасизми? Қониқмаган ҳолатларингиз?...

— Маълум даражада қониқаман. Аммо ҳали айтадиган гапларим куп...

— Шоирлардан кимни ўзингиз учун ҳақиқий устоз деб биласиз ва унинг ижодидаги қайси жиҳатлар сизга кўпроқ маъқул?

— Газал ёзмасам ҳам Навоий бобомиз асарлари мутолаасидан чарчаганим йўқ. У кишининг бирор байти ёки мисрасини ҳар уқитганимда, янги-янги қирраларини кашф қиламан, гуе оҳори туркимандай туюлаверали. Бизда ижодкорлар орасида ҳаққа етгани Навоийдир. У киши асарларини уқитганимда куз унгимда соҳиби камол, беназир бир инсон сиймоси гавадланаверади.

— Агар ҳаёт такрор берилгудай бўлса, яна шу йўл билан кетармидингиз?

— Ҳаёт — такрорланмас ҳодиса. Умр қайта берилганда ҳам, барибир, шу йўлдан кетардим. Фақат мажбурият юзасидан битта-ним баъзи нарсаларни езмаган булардим. Биласизми, бизда катта шоирлар, ҳақиқий истеъдод егалари бор эди. Улар ҳам ўзларига ярашмаган гапларни езишга эдилди. Мен Урта Осиеда ўзининг йўлини ушандаек дугри тапплаб олган бирдан-бир ижодкор Чингиз Айтматов деб биламан. У сиёсий мавзуларда езмаган. Эҳтимол, 30-йилларда туғилганда, бу ижодкор ҳам



Суратда: Ш.Холмирзаев, С.Холмирзаева ва А.Орипов. 60-йиллар.

## «ҚАДРИМГА ЙИҒЛА»

Қизим Тошкентдаги дорил-фунунлардан бирида ўқийди. Шу йил май ойида ҳомилдорлиги туфайли мазаси булмай қолиб, мени қақирган экан, Тошкентга келдим. Қизим шаҳарни томоша қилдирди. Етти йилдан бери энди келишим эди, узгариларни, қурилишларни, ободончиликни қуриб ҳайрон қолдим. Қизимнинг ой-куни яқинлашгач, Бешкентга қайтмоқчи бўлдик. Шаҳар ичидаги аэрокассалардан бирига учрашган эдик: «Чиптани учиб кетадиган кунингиз аэропортдаги кассадан олсангиз ҳам бўлади, ҳозир бизда чипта қолмаганди», — деган жавоб эшитдик. Кетадиган кунимиз нақ олти соат олдин аэропортга келдик ва Қаршига чипта сурадик. «Чипта йўқ», — деб совуқонлик билан жавоб берди, дарчадан нариги томонда утирган қиз. Бу жавобдан шошиб қолдик. Ахир қизим оғирроқ, бунинг устига куёвим ва қизимнинг кийим-кечаклари, китоблари — юкимиз ҳам анчагина эди. Она-бола икковимизнинг мунгайиб утирганимизни қуриб шу атрофда айланмиш юрган Ал-поммишкелбат йигитлардан бири сенимизда пайдо бўлди.

— Ҳа, ҳола, хафа қуринасизлар — ачинганнамо суради у.  
Биз аҳволни айтдик. «Хафа бўлманглар, «пул булса чангалда пурва», деганлар, чипта топилади», — деди у ишонч билан.  
— Қанча беришимиз керак? — қизиксиниб суради қизим.  
— Ҳар чипта устига 600 сумдан «шапка» берсангизлар, хашпапш дегунча Қаршига етиб оласизлар, — деди йигит бармоғини шаққиллатиб.

Кеч соат бешларга яқинлашиб қолганди, бунча юк билан орқага қайтиш ҳам азоб. Бунинг устига кейинги кун ҳам «чипта йўқ» — дейишлари мумкин.

Ундан қолса, айтилган соатда бизни Қарши аэропортда кутиб олишарди. Шуларни уйлаб рози бўлдик. Битта чипта нархи 1400 сум экан. Йигитга бор пулимизни — 4000 сумни санаб бердик, ҳаменимизда сариқ чақам қолмади. Чиптани кулимизга олгач, юкимизни судраб руйхатдан утиш жойига бордик. Юкларни тортиб олаётган 50-55

ёшлардаги ориқ ўзбек киши «юкларингиз оғир экан, фалон сум тулайсизлар», — деб туриб олди. Биз пулимиз қолмаганини зурга тушунтирдик. Руйхатдан утказётган урис хотин эса қизимни учинч залига утказиб, мени тухтатиб қолди.

— Паспортингнинг амал қилиш муддати утиб кетган экан, сен учмайсан, — деди.

Биласизлар, қишлоқ жойларида онда-сонда демаса, паспорт деярли керак бўлмайди. Шунинг учун уни янғисига алмаштиришга шовилмаган эдим. Ана шу боқибегамлигим қимматга тушди, десангиз. Она-бола икковлашиб юздан ет тонадиган хушпасемиз бу аёлга ялнамиз, ҳеч муросага келмайди. Қизимнинг куз ёшлари папқатор, узи чарчаган. Бизнинг тортишиб турганимизни қуриб, аэропортчилар кийимидоғи ўзбек қиз мени четга имлади:

— Холажон, паспорт орасига 200 сум қуйиб узатинг, утиб кетасиз, — деди.

гани унинг...  
...борсанг, кулинга, чунтагинга қарайдиган, пулинг билан бирга икки қават терингни ҳам шилиб олишга тайёр кимсалар буюк келажак яратиб йулидаги ишларга туганоклар холос. Ундай кимсаларнинг асли башарасини газеталарда курсатиш керак. Токи бошқаларга урناк бўлсин.


Охир-оқибат бояги ўзбек қизининг бизларга раҳми келди шекилли, қизимга бир пиела сув олиб келиб берди, сунг, «кейинги сафар турри менга келиб учрашинглар, узим чиптани арзонроқ олиб бераман», — деб қайта-қайта ўқтириб бизни самолётга утказиб юборди.

Мана шунақаганлар. Узуйим-

**Адолат РАҲИМОВА,**  
**Қашқадарё вилояти,**  
**Бешкент шаҳри,**  
**Сайилгоҳ кўчаси, 106-уй.**

## БАХТИНГИЗГА ҚАЙТИНГ, ФЕРУЗА!

Акс садо



Қизик китоб экан-а!

Ферузахон, синглим! Сизнинг «Холам қайнона бўлмайди!» деб номланган армонли хатингизни синқковлик билан ўқиб чиқдим.

Сингилжоним, энди қулоқ солинг. Қадимдан айтмишларки, ҳомила қирқ кунлик булганда Оллоҳ унинг пешонасига тақдирини битаркан. Шунинг учун ҳам пешонада ёзилганидан ортиги ҳам, ками ҳам бўлмас экан. Ахир, бунга тақдир азал дейдилар. Холаңгиз масаласига келсак, айтишингизча, у сизни мактабга етаклаб борган ва ҳарф танишингизга устозлик қилган. Турмушда майда-чуйда икир-чикирлардан баланд тура билмоқ керак. Мардлик узгалар айбини кечира билишдан бошланади.

Ферузахон! Уйлаб қуринг, холаңгиз туйдан кейин бекорга тунини тескари киймагандир? Балки сиздан ҳам утгандир. Унинг ногирон ва кунгли ярим эканлигини билар экансиз, кунглини олишга уриниб қурмадингизми? Холаңгизни айблаётганда уз қулқингизни ҳам бир назардан утказдингизми?

Синглим! Ҳали ҳам кеч эмас, бахтингизга қайтинг. Сиз куёвингизни шундай ром қилингки, у сизнинг гурурингизга, такаббурлигингизга эмас,

оқилалигингизга, одобингизга, севгингизга юрак-юрагидан тан берсин. Дунёдаги ҳамма эру-хотинлар ҳам севишиб турмуш қуришмагандир? Кунгли бўлмай турмуш қуриб кейинчалик ували-жували бўлиб бахтли яшаб кетганлар қанча ва аксинча муҳаббат билан севишиб турмуш қуришгану, туйдан кейин бир ой утмасдан ажрашиб кетганлар қанча... Ахир, севимли шoirларимиздан бири бекорга шундай езамаган-ку:

Минг ичида икки ошиқ,  
ишқинга келар унғ.

Улар тангри ёрлақанган  
ҳақиқий ишқ гунчаси.

Ҳақиқий муҳаббат туйдан кейин бошланади, деганлари рост. Сиз ҳам шoir айтганидек, мингдан иккиннинг бири бўлишга ҳаракат қилинг.

Ҳа, Ферузахон! Бахт учун курашадилар, бунинг учун кунгиде мсхр бўлиши керак, мсхр эса осмондан тушмайди, бунга унутмаслигингизни истардим.

**Ирода МУРОДОВА,**  
**Тошкент шаҳри,**  
**Юнусобод мазеси**

## ЮЗАКИ ҚАРАБ БЎЛМАЙДИ

Рузноманинг 34-сонидоги «Талоқ худога ҳам ёқмайди» номли мақолани ўқигач, менда айрим мулоҳазалар пайдо бўлди. Мана, айрим ёшлар турмуш қургач, бир-икки ой яшаб, баъзилар бир неча фарзандли бўлгач ажрашиб кетишаппти. Уларнинг минг хил баҳонаси бор: характеримиз туғри келмади, рузгор ишларини энjolмайди, касалдан боши чиқмайди ва ҳоказо. Бундай куйди-чиқдиларнинг олдини олиш учун куйидагиларни таклиф қиламан:

— Худди армияга боришда ёки ўқишга киришда булгани каби ЗАГСга ариза берган ёшлар ҳам тиббий қуриқдан утишлари керак. Улар бир-бирида ташқи ва ички касалликлар бор-йўқлигини билиб, шунга қараб ҳаракатини қилсин;

— ЗАГС идоралари қандай психологик маслаҳатхоналар ташкил этилса, токи турмуш қуришни истаган ёшларнинг

характери, бошқача айтганда мижози бир-бирига мосми, улар оилавий ҳаётни қандай тушунишди, умуман унга тайёри эканлиги аниқланиб, шу хулосаларга таяниб ариза қабул қилинса;

— оилада битта фарзанд тугилгандан кейин судлар ҳам, ЗАГС идоралари ҳам ажралиш ҳақидаги аризаларни қуриб чиқиш учун қабул қилмаслиги керак (айрим ҳолатлар бундан мустасно, албатта). Ахир фарзандни тирик стим қилиш гуноҳ эмасми?! Ҳиссиётларга берилиб, «Ажрашаман» дегандан кура, фарзанднинг тарбияси, яхши инсон бўлиб етишиши ҳақида қайгуришсин.

Хуллас, оилага шунчаки юзаки қараб бўлмайди. Оиладаги муҳит, тарбия — буларнинг бари жамият ҳаётида ҳам уз изини қолдиради.

Газетхонлар бу ҳақда нима дейишаркан?

**Мирнаёз ФИЁСОВ,**

**Тошкент шаҳри, Дежнев кўчаси**

Фикр

## ИНСОФ ҚАНД, ГАЛИНА?

Ёпирай?

Инсон боласини минг бир офатга гирифторм қилмаган нарсанасиз. Нафсини енгмаган, енголмаган одам кунларнинг бирида ўзини тубсиз чоҳ ундан 4455 сўм уриб қолган экан. қаърида кўради. Термиз шаҳридаги «Газмол» савдо ишлаб чиқариш ҳиссадорлик жамиятига қарашли 1-ўм-борхона мудирини Галина Уласова ҳам бузув ана шу кўҳна, лекин ҳеч маҳал эскирмайдиган ҳақиқатга ишонч ҳосил қилиб ўтирибди...

Қурбонмурод Хўжамбердиев деган харидор Галинадан автомашина учун битта магнитофон ҳамда бир қутти кишимши майиз харид қилди. Олинган нарсаларни сотувчи чўтга таш-

ладида, «6175 сўм бўлади», — деди.

Қурбонмурод санаб берди. Аслида эса... харид қилган нарсалари 1715 сўм бўларкан. Галинаси тушмагур ундан 4455 сўм уриб қолган экан. Галинанинг очиги, унинг олғирлигига тан бермаган одам қолмади. Термизлик айрим савдо ходимлари шу кунларда «Галина харидорини чув туширишда рекорд ўрнатди», — деб гап қилиб юришибди.

Шундай қилиб, Галина Уласова солиқ ходимлари қўлига тушиб қаттиқ мулазам бўлди. Бу мулазамликлар ҳали ҳолава дейишмоқда баъзилар...

**Маҳмуд АБУЛҒАЙЗ,**  
**Сурхондарё вилояти**

# «ЮРИШНИ ХОҲЛАЙМАН!»

Таскин

Яқинда Боевут туманида «Саломатлик куни» тадбири ўтказилди. Тумандаги «3-Боевут» ширкатлар уюшмаси қишлоқ амбулаториясига келган духтирларга куришни, маслаҳатларини олиш учун у ерга оёғида мадори булган барча беморлар тулланишганди.

Мен амбулатория бош шифокорининг муъажжаси хонасида ушбу тадбир ташкилотчилари билан суҳбатда бўлидим:

— Абдуманнон ака, — дедим туман марказий касалхонаси бош шифокорига мурожаат қиларканман, — боягина сиз амбулаторияга келолмаган беморларнинг уйига бориб куришдан ўтказдик, дегингиз, хуш улар қилар?

— Бундайлар бор-йўғи турт нафар, Шулардан бири 13 ёшли Фурқат Раҳмонов. Бу йилгича бир йилдирки тушакка миҳланган, фалаж...

— Одатда бундай совуқ, тананни музлатадиган гапни жисминга сингдириб юбориш анча қийин кечади. Шу вахдан шифокорнинг гапни бўлидим.

— Фурқатга нима ердан курсатилди?

— Ота-онасига беморни қандай парваришлармоқ, қарамоқ хусусида маслаҳатлар бердик.

— Дори-дармончи?

— Биласизми, — деди Абдуманнон ака, — фалаж кўп ҳолларда тургун касал ҳисобланади, унга дори-дармондан қура парвариш кўпроқ фойда бериши мумкин.

— У кейинчалик юра олади-ми?

— Шифокор оғир сукутга чумди...

— Орадан кунлар ўтди. Мени эса ҳамон ўзим қуриб, қузим ишонмаган тушакка миҳланган маънос бир боланинг тақдири безовта қиларди. Куча-қуйда ариқларда мазза қилиб чумилаётган, велосипедни учуриб юрган болақайларни курсам Фурқат ёдимга тушаварди.

— Ниҳоят, қалбимдаги оғриқлар, бессаранжомлик оқибати яна Боевутга йўл олдим. Уловга

чиқарканмиз, тезроқ Фурқатни куриш хасли қалбимда гупуради. Тоқатсизланаман. Буни ширкатларим — вилоят марказий касалхонаси шифокорлари сезди шекилли, улар ҳам жим. Автотуб деразасидан кенг далаларга термулишган. Ва ниҳоят биз этиб келамиз.

— Мана уша қишлоқ, мен уз тасавурида аке этган болақай. У қумшувдоқ уйнинг бир бурчагида шиша термулиб этибди. Хондонда на телевизор, на радио бор. Бу турт девор орасида наинки бир кун, бир соат ёлғиз утириш...

— Хаслимда кечаётган уйлари Фурқатга сездирмаслик учун у билан суҳбатлашишга шайландим. Бироқ суҳбатни нимадан бошлашни билмасдим. Боланинг кузларидаги илтижо мени шошириб қуярди.

— Ниҳоят қисқа суҳбатимиз бошланди.

— Фурқат, уртоқларинг келиб туришадими?

— Илгари мактабда ўқитган нимада кўп келишарди, ҳозир келмай қўйишарди.

— Нималарни орзу қиласан?

— Юриб кетсам, дейман.

— Булмасамчи, албатта юриб кетасан... (Ахир болақайга бошқа қандай жавоб қилай? — дейман, мен ички бир ишонч билан. Бошқа нимаям дейсан?)

— Боевутдан оғир бўлиб қайтдим. Ҳамсафарларим — шифокорлар ҳам бир аҳволда. Улар зур бериб беморга тезлик билан қишлоқ амбулаториясидан жой ажратилишни, унга массааж ва парвариш жудаям зарурилиги, Янгиер санаториясига йўлланма топишнинг йўлини қилиш ҳақида тинмай гапиришарди.

## ОНАНИНГ ҲИКОЯСИ

Уша куни утар оқшом туш кургандим. Гуски, уғлим Фурқат тулаб-топиб оқётган дарёнинг уртасида гарқ бўлаётганмиш. «Чукчман, кутқаринглар», дея нола қилармиш. Мен булсам жон ҳолатда бақирармишман, «уғлим суз, сузсангчи». У эса «Опажон қул-оққла»

рим менга буйсинмаяпти» дермиш. Тулпимни ҳеч-кимга айтмадим, иримига дея 4-5 дона гурчини девор оша улоқтирдим. Аммо тушга яқин, уғилларим куринамгаҳ хавотирим ошди. Бунинг устига қизим Феруза, акамлар чумилишга кетишди, дея суюнчилағач, бир хавотиримга ун хавотир қушилди. Мен ўзимга узим ҳайрон эдим. Ахир чумилиш уғилларимнинг кундаги иши, ҳаво қиздириб ётандан кейин бир салқинлаб келишарди-да. Кунглим бунчалик душманлик қилмаса?

— Табиийки, ана шундай сезги Фурқатимнинг дилидан ҳам кетган экан. Дастлаб, у акаларига бормайман, чумилиш йўқ, дебди, лекин улар судрайверган...

— 1996 йилнинг 14 июн куни 12 ёшли, турт мучаси соғ болажонимнинг қалбига бир армон кунди, алам қунди... даҳшатли фалокат юз берди.

— Аммо, энг кучли армон ва алам менинг кунглимдан жой олган. Менгина кургур, Фурқатни уша куннинг узидак духтирга олиб чопсам булмасмиди? Охир — оқибатини тушунмабман, ана яхши бун қолар, мана яхши бун қолар, дея бағримда олиб утираверибман... Духтирлардан эпитадиганимни эпитдим. Фурқатимни ҳалигача кўп духтирлар келиб куришарди. Бир келиб Топкенгга, клиникада этиб даволаниши кераклигини айтди. Аммо, даласи кунмадилар... Қанча чиким керак, улов булмаса дедилар...

**Рустам Алиев, Нейрохирург:**  
Сез сувга қалла ташлаган Фурқатнинг боши зарб билан ерга урилган. Натижада 6—7 буйин умуртқалари синган. Ми-

нг афсуски, бемор дарҳол тахтага ётқизилиб, касалхонага етказилмаган. 6 кун ҳеч қандай ердасиз уйда сақлангач, буйин умуртқасининг синиши нафас олиш аъзоларига таъсир қилган бола оғир аҳволга тушгандан сунгитина касалхонага келтирилган. Фурқат шифохонага 6—7 буйин умуртқасининг синиши ва орқамия функциясининг тулик бузилиши ҳолатида келтирилган.

— Энди беморда юз бериши мумкин булган яхши узғаришлар ҳақида гапириладиган булсак, унга фақат яхши парвариш даркор, калорияли таомлар истеъмол қилиши керак. Чунки, айни пайтда Фурқатда камқонлик аломатлари мавжуд. Келажакда Фурқат ҳеч булмаганда ҳассасда булса-да, оёқда туриши мумкин. Бу эса аввало унинг узига ва уйидогиларга боғлиқ.

\*\*\*

**Фурқат! Нима булганда ҳам зулматдан учқун қидирмоқ керак. Ҳаёт ажойиб, яшаш яхши. Чунки, меҳр улмаган, оқибат кутарилмаган. Фақат уша мурғак қалбингдаги умидни, иродани маҳкам тут. Зеро, тилларига шакар сепилур Рустам ака айтмоқчи оёқ босишинг мумкин экан. Ишонманки, сенинг дардинг, сенинг утинчинг бошқа қалбларга йилдиримчилик эмас, балки бир уммон янглиг келиб урилгандек ларзага солади. Оллоҳузи берган дардини қайтиб олмақ учун қалби меҳр ва мурувват билан лим-лим тулиб тошган йнсонларни албатта жунатади. Мен бунга ишонман!**

**Сабоҳат НОРБЎТАЕВА,**  
**Гулстан шахри**  
**журналист**



## Онажоним табиат

# ҲАВОИҲТА МЕҲТОМ ДАРАХТ

Қадимий Кухитанг тоғи этакларида — Шеробод туманининг чекка гушасида Вандоб деган сулим, ҳайротомуз қишлоқ бор. Тоғларга туташиб кетган бу қишлоқда 105 оила истиқомат қилади. Одамларнинг тирикчилиги асосан чорвачилик билан кечади. Уйлар Сойилароз деган жойнинг икки бетида жойлашган. Одамлар ҳар тонг булбулларнинг мастона чақчаҳидан, какликларнинг ҳайратли сайрашидан уйғондилар.

... Бир иш билан бориб, қишлоқнинг баобру кишиларидан бири, муаллим Фахриддин Тобадаловга дуч келдик.

У киши бизни қуярда-қуймай уйга тақлиф қилди. Кириб боришимиз билан ҳовлининг қарийб беш сотих ерини эгаллаган, шохлари чор-атрофга ейилган ҳайбатли ёнғоқ дарахти эътиборимизни тортди. Ҳайратимизни сезган Фахриддин ака изох берди:

— Бу ёнғоқ беш юз йил бурун ёқилган.

— Биз ҳайрон ва лол эдик. Беш юз йилнинг бадаллида бу ёнғоқ одамлар ҳаёти билан боғлиқ булган қанчадан-қанча воқеа-ҳодисаларнинг гувоҳи булмаган дейсиз. Бу ёнғоқ беш асрлик умри давомида юзлаб ва минглаб одамларга уз мсва-

сидан улашган, қанча рузгорларга ризқ-насиба булган. Унинг соясига қанчалаб одамлар роҳатланиб утиришган.

— Фахриддин муаллим яна шундай деди:

— 109 йил умр курган амакимиз Қирон бобо бу ёнғоқни кўп мақтаб, алқарди. У табаррук киши бизга «уни куз қорачигидек асранглар, болаларим!» деб тақдор ва тақдор эслатиб қуярдилар. Бизгача этиб келган гап-сузлардан шун биламанки, бу ёнғоқ қийинкистовли йилларда, очарчилик замонларида вандобликларга ризқ-руз вазифасини утаган. Очарчилик йилларида шу ёнғоқнинг мсваси билан кун у-

казганмиз. Амаким раҳматли шу ёнғоқдан ярим тоннагача ҳосил олганликлари ҳақида айтардилар. Табиийки, бу ҳосил икки юз нафар аҳолиси булган қишлоққа бемалол етади.

... Асрларнинг сир-синаотини билса-да, лекин то ҳануз сукут сақлаб турган бу дарахтга боқиб, ҳаёлларга толамиз. Оллоҳнинг иродасию, ҳукмига қойил қоламиз. У зунинг саховати ва карамини оддий бир дарахт тимсолида ҳам исбот этиб турибди. Бунга ишонмоқ ва шукрона айтмоқ керак, холос.

**Рустам ДАВЛАТ,**  
**Сурхондарё вилояти**



## «ЮПДУЗЛАР» ҲАМ АЛДАЙДИ

Россия солиқ полицияси раҳбарияти 1996 йилги даромадлари ҳақидаги декларацияни топиришда асл даромад миқдорини атайлаб яширган айрим эстрада ва спорт юлдузларининг номларини эълон қилди. Масалан, Филипп Киркоровнинг йил давомида атиги 10 миллион рубл ишлаганига ишонини қийин. Шунингдек, Дима Маликов, Вика Циганова каби қушиқчилар, МХСК (Москва) хоккей жамоаси, таңқил футбол мураббийлари Тарханов ва Романцовлар ҳам ана шу «қора руйҳат»дан урин олишган.

## ТАКИҚДАН КЕЛСА БОЙЛИК...

АҚШ президенти Билл Клинтон мамлакатнинг молиявий компанияларига уз даромадларини имтиёзли солиқ тизимига эга булган мамлакатларга утказишни таққилаб қуйди. Дастлабки ҳисоб-китобларнинг кураатишча, бу таққил йилига давлат бюджетига 63,2 миллион доллар қушимча солиқ тушишини таъминлар экан.

## ТАҚДИМОТ

Утган ҳафта президент Борис Елциннинг собиқ қуриқчиси, Россия Давлат думаси депутаты Александр Қоржаков эсдаликлар қитобининг тақдимот маросимини ўтказди. Китоб «Борис Елцин, саҳардан шомгача» деб номланган. Қоржаковнинг айтишича, президентнинг оила аъзолари китобни нашр эттишлик учун унга 5 миллион доллар, «Совершено секретно» газетиси бош муҳаррири Артём Боровик эса узини ҳам муаллифликка кириштиш учун нақд 17 миллион доллар тақлиф этган. Лекин генерал унисига ҳам, бунисига ҳам рад жавобини берган.

## «МАЗДА»НИНГ МАЗАСИ ҚОЧДИ

Кейинги йилларда Европа мамлакатлари ва АҚШда «Мазда» русумли япон енгил машиналарига булган қизиқиш бир қадар сусайди. Завод конструкторлари вазиятни унглаш учун «Мазда-26»нинг янгиланган вариантини яратишди. Унинг олд қисми европача услубда, орқа томони эса аянғанавий осиеча куринишга ясалган.

## ЖИНОЯТ ВА ЖАЗО

АҚШнинг Салем шахри судьяси Роберт Маршалл йўл ҳаракати қоидасини бузиб еҳуд майда угрилик билан қулга тушган болаларни Достоевскийнинг «Жиноят ва жазо», Диккенснинг «Девид Копперфилд», Сервантеснинг «Дон Кихот» асарларини ўқишга ҳукм қилади. Уч ҳафта утгач, «жиноятчи» бола асарларидан олган таассуротларини қоғозга тушириб топишарди. Езма иш судьяни қониқтирмас, у болага янги топириқлар беради.

## ҚАЕРАДСИЗ, МИЛЛИОНЕР!?

Англиянинг Хал шахрида утган йили ҳайрия лотереяси уйналган эди. Ундаги бош муқофот — 2 миллион фунт стерлингнинг соҳиби ҳамон ташкилотчиларга мурожаат этгани йўқ. Улар янги йилгача қутишмоқчи. Агар шундаям ютуқ эгаси аниқланмаса, у тулик ҳайрия тадбирларига сарфлаб юборилади.

**Хорижий матбуот хабарлари**  
**асосида тайёрланди.**



Садағанг кетай, пок аёл!

## ИБОПИПАРГА ТАН БЕРИШАДИ

Рўпарамдан энги узун, этаги тутигигача тушган куйлак кийган, нафис оқ румол билан юзини тугстан икки қиз келаяпти. Шу пайт тегманганга тегиб, текканга кесак отиб куча меники, деб юрган усмир йигитлар рўпараларида пайдо булишди. Улар қизларга яқинлашга негадир овозларини пасайтириб, бироз узларини босиб, сиполик билан утиб кетишди. Оркамга қарайман. Улар сал нарироққа бориб йулкадан келаятган замонавий қизлар — охириги модала кийинган (албатта минни юбкали), юзларига турли буюқлар чаплаган қизларга дуч келишди-ю, яна аввалги ҳолатларига қайтишди. Ҳалиги қизларга гап отишди, ҳазиллашиб гашиларига тегипди. Узимча хаёл қиламан, йигитларнинг қизларга қандай муносабатда булишлари қизларнинг узларига ҳам боғлиқ экан. Одобли, ҳаёли, андишлари, вазмин қизлар олдига ҳар қандай тантиқ, эрка йигит ҳам узини тутати, беадаблик қилмайди.

## ОТА РУҲИНИ ШОД ЭТИБ

Шу йил киш кунларининг бирида бир дугонамизнинг турмуш уртоғи 45 ёшида оғир хасталиқдан вафот этди. 5 фарзанд ота дийдорига туймай, у билан видолашишди. Тунгич фарзанд — 16 ёшли Муаттар Тошкентдаги мадрасалардан бирида исломий тарбия олади. У ҳижоба кирган. Отаси хасталик билан курашиб жони омонат булиб турган оғир дақиқаларда Муаттар унинг бошида утирди. Аллоҳдан парларига умр, соғлиқ, онасига сабр-бардош тилади. Куръондан суралар уқиб отасининг сунгги дақиқаларига илоҳий қувват бағишлади. Қиз фарзандлик бурчини ало этарди. Ота ҳам қизига миннатдор боқиб ундан мингдан-минг рози эканлигини унисизгина изҳор этарди. Отанинг омонат жони узилди. Катталар: ака-ука, она-сингиллар, қариндошлар йиғисиги, ох-воҳ қилаётган бир пайтда тунгич фарзанд отанинг жонсиз танаси бошида тиловат тушириб, унга боқий дуненинг жаннатини, ҳузур-ҳаловатини, оромини тилаб, Аллоҳдан ота қабрига нур егилишини, руҳи шод, охирати обод булишини илтижо этарди. Боқира, маъсума қизнинг бу қадар сокинлик ва вазминлик, ақлан теранлик билан узини тутиши жанозага келганларнинг эътиборини тортарди.

Эртасига биз бир неча аёллар марҳумни ёд этиб дугонамиздан ҳол сураш учун борганимизда Муаттарнинг ҳолати сира кўз унгимиздан кетмайди. Юзини румол беркитиб турган булса-да, унинг қоп-қора шаҳло кузлариди мунг, илтижо ҳар қандай оламнинг ҳам кунглини алақандай сирли ҳиста тўлдирарди. Бизнинг кунгли кутарувчи сузларимизни тингларкан, онасига маъёе боқарди. Орамизда анча кеска ёшдаги аёллар бор булса-да, ҳаммамиз фотиҳа уқиш учун негадир унга қаралик. У шу дақиқада ута одоб билан иш тутди. Биргина киприк қоқиш билан, мен ҳали ешман, орангизда катталар бор, демоқчи эканлигини англадик. Шерикларимиздан бири фотиҳа сурасини уқиб уни марҳумнинг руҳига бағишлади. Муаттарни ҳар гал учратганимда кузлариди уша елимда муҳрланиб қолган уқинч ва мунгли ҳамон эслайман. Бу уқинч уни ҳеч қачон тарк этмас керак.

Ҳолида ПАРДАБОВЕВА

— Гулпошша опа, хотин-қизлар муаммоларининг илдири қаерда, уларни келтириб чиқарадиган сабаблар нималарда намоён бўлади? Ахир улар бирдан пайдо бўлмагандир, тўғрими?

— Илмий изланишларимнинг мавзусини хотин-қизлар ҳаёти ташкил этгани учун сиз сураган масалани ҳам урганишимга тўғри келган. Шунда бу муаммоларининг илдири «Хужум»га бориб тақалган. Шу ҳаракат туфайли аёл эркаклар билан тенгма-тенг ишчи кучига айланди. Энди у оиласига, рўзгорига, фарзандлари тарбиясига камроқ вақт ажрата бошлади. Бу эса турмуш муаммоларининг тутилишига сабаб бўлди.

— «Турон»ни тумандаги маҳаллалар орасида энг ибратлилардан бири, дейишди. Буни-нг ўзи бўлмагандир?

— Маҳалламиз ташкил этилганига олти йил бўлди. Унда 15 миллат вакиллари истиқомат қилишди. Маънавий бобо-ларимиз «Маҳалланг — отанг, онанг!» деб бежиз айтишмаган. Шунинг учун биз маҳаллада комил фарзанд тарбиясини мил-ли урф-одатларимиз, қадриятларимизга ҳурматни қарор топ-тиришдан бошлаганимиз.

— Кейинги пайтларда қизларни балоғатга етмай турмуш-га бериш, ёш оилаларнинг бузи-либ кетиш ҳоллари мавжуд. Сиз-

ларда бу борада аҳвол қандай?

— Утган йиллар ичида бундай салбий ҳолатларнинг олди-ни олиш борасида талай ишлар олиб бордик. Бугун қизларни воғта етмай турмушга бериш, қўйди-чиқдилар маҳалламизга ет нарсалар, дсб бемалол айта оламиз.

— Умуман қўйди-чиқдиларнинг сабабларини нималарда кў-расиз?

— Бунинг сабаблари бор. Ав-вало ешларнинг оилавий ҳаётага тайёр эмаслиги, турмушда уч-райдиган турли вазият ва ҳолат-лардан оқилона чиқиб кета ол-масликлари сабаб булса, иккин-чидан, тарбияга ҳам боғлиқ. Яъни, қиз тарбия тошган оила-даги билан у келин булиб туш-ган хонадондаги муҳит бир-бирига мос келмаслиги мумкин. Ана шунда қайнона ва келин, қайнота ва куёв, қайнисингил-лар билан келин уртасида мо-жаролар бошланади. Қайсидир қайнона келиннинг энги калта қуйлак кийгани, бошқасига ов-қатнинг тузи кам булгани, учинчисига пардоз андози эк-маслиги мумкин. Хуллас ади-

Ҳикоятнинг уйда тинчи йуқ. Ҳар куни эри билан уришавериб кунгли сада булиб кетди. «Нима қилай, ёмон йулга юрмасам, еш боламга қараб уйда утирсам, яна нимага Сардор уришинг учун ба-хона қидиравераркин?...» деб ху-ноб булади баъзан.

Ҳикоят кўз олдида бодалик чо-ларини келтирди. Улар уйда беш қиз эдилар, каттаси Ҳикоят. Шун-данми, даласининг эркаси ҳам шу. Неча йиллаб колхозга раислик қил-ган ота, қизини шундай яхши ку-рардики, ҳатто мактабга ҳам маши-нада олиб борарди. Уйдаги ҳамма нарса Ҳикоятнинг ҳукмида. Син-гиллари уй юмушларини бажара-ди, у эса фақат буйруқ беради. Онаси ҳам юрак ютиб уни бирор юмушга буёролмади. Оқибатда она билан қизнинг уртасида ку-ринмас «хитой девори» пайдо бул-ганди...

Ҳикоят узок уйлди. Аммо она-си унга бирор марта турмуш ку-риш, рўзгор тутиш борасида наси-ҳат қилганини эслай олмади. «Ҳам-масига дадам айбдор, уша пайтда ортиқча эркалатганимда, балки бу-гун яхши яшармидим», деган қа-рорга келди у. Сунг қўлига қалам олиб мактуб ёзишга киришди.

«Ассалому алайкум дадажоним! Анчадан буен мени қийнаётган бир саволни Сизга бергим келди. Мени қандай тарбиялаб қўйдингиз?... Сиз ҳаммаша ҳукмбардор булишим-ни истардингиз, ҳатто йигитлар билан уришиб, уларни уриб келга-нимда уйимизда байрам булиб ке-тарди. Ҳеч нарсалар кам қилма-дингиз, ҳаммадан чиройли қийи-тирддингиз. Унингичини битириб, Олий уқув юртига кирганимда, мен учун алоҳида участка курдин-гиз. Менга уйландиган йигит Сиз-га ичқув булиши керак эди. Аммо бундай бўлмади. Сардор бу такли-фингизни рад этди. Мен эса екти-риб қолгандим, яна кунглимга қа-радингиз.

Туйдан кейин биз шаҳарга қу-чиб келдик. Ҳамма можаро шун-

(бўлган воқеа)

дан сунг бошланди. Сардор мени узига буйсунимни хоҳлайди. Мен эса буйруқ бериб, ҳукм чиқариб урганганман, ахир. Қандай қи-либ унга ен бераман. Албатта, у мендан кучли, аста-секин калта-лашта ҳам урганди. Кошқийди, битта гапдан қололсам... Негаки, Сиз рақибимни мағлуб қилишга ургатсангиз. Тўғри, Сардор умр йўлошим, аммо келишолмай қол-ганимизда кузимга ёвдай қурина-ди. Шундай кезде углимни ҳам ташлаб ҳузурингизга кетворгим ке-лади. Аммо эл-улус олдидаги ҳур-матингизни уйлайман. Биласизми, онамлар менга бирор марта рўзгор тутиш ҳақида йўл-йўриқ бермаб-дилар. Синглимга ҳавасим келади, турмуши қандай яхши, ахир у ҳам Сизнинг қизингиз-ку. Фақат, еш-лида Сиздан ҳайкиб турарди. Балки яхши яшаётганига шу ҳам сабаб булгандир...

Эсингиздами, Сен бахтлилар-нинг бахтисиз бўласан, дегандин-гиз. Менинг эса уйимдан тинчим йуқ. Сардор ҳам уруш-жанжаллар-дан чарчади. Гоҳида уйга келмай қўйдиган олат чиқарди. Айтинг,



Байрам гурунги

## МЕНИ ҚАНДАЙ

Дилдаги гаплар

## ТАРБИЯЛАДИНГИЗ, ДАДАЖОН?...

мен нима қилай, қандай қилсам оиламизда тинчлик-тоғурлик була-ди?

Яқинда бир қўшним, оилани асрагувчи аёлнинг меҳри эканини айтиди. Бувим эса «Эрнинг номи улуг булади», дегандилар. Нима учун мен бу ақилларни билмай услим. МЕНИ ҚАНДАЙ ТАРБИЯ-ЛАБ ҚЎЙДИНГИЗ, ДАДАЖО-НИМ?»

Ҳикоят кунглидаги борини мак-тубга бушаттач, бугундан бошлаб, ҳаммаша Сардорни тушуниб, ҳур-мат қилиб яшаша аҳд қилди. Уларни сунуриб-сидириб, кечки таомни тайёрлаб..., эрини кута бош-лади.

Ишдан чарчаб келган Сардор чинни-чирокдай тозаланган уйга қадам босаркан кунгли еришиб ке-тди. Ичкаридан эса иштаҳани қи-тиқлагувчи таом хиди келарди. Уни-нг шарпасини сезиб, Ҳикоят чи-қиб келди:

— Ассалому-алайкум адажони-си, яхши келидингизми?

Сардор жиймайди, у анчадан буен биринчи марта уйига кулиб киратган эди.

Ҳамро Бону МУСУЛМОҲОВА

## ҲАМЖИҲАТЛИКДА ГАП КЎП

Мирзо Улғубек туманидаги «Турон» маҳалласи хотин-қизлар кўмитаси раисаси Гулпошша Эргашхўжаева билан суҳбат



бади айтишаман деганга баҳо-на сон мингта. Бундай пайтда келин ҳам бир гапдан қолай демайди. Айтиқса, уйдаги гап-ни кучага дастурхон қилиб чиқ-са, яъни ота-онасига оқизмай-томизмай етказса, урди худо дея беринг. Яхши тарбия тошган қиз эса келин булиб тушган хона-донининг ёмонини яшириб, ях-шисини опиритиш пайида була-ди.

— Ҳузурингизга ёрдам сўраб келган аёлларнинг дардида мал-ҳам бўлолмай, оғиз қолган пайт-ларингиз ҳам бўлганми?

— Биласизми, токи менга ишониб ёрдам, нажот сураб кел-ган аёлга ёрдам бермагунимча узимни беҳаловат сезаман. Ма-на яқинда бир аёл моддий ёр-дам сураб ариза билан муро-жаат этди. Айрим фаолларимиз бу оиланинг машинаси, уйдаги гиламлари, телевизор ва бошқа нарсалари бор деган гапни айтишди. Бориб оила билан яқиндан танишдик. Аёлнинг эри такси ҳайдаган, бир тўрух жиноятчилар томонидан оғир тан жароҳати етказилгач, ишга яроқсиз булиб қолган. Беш фар-зандлари бор. Қачонлардир олинган «Москвич» машинаси-нинг юриб турганидан бузуқ вақти кун. Уйда эса уша туйлар-да олинган гиламлар, эски те-левизор. Энди узингиз айтинг, мана шу оилага ёрдам ажратма-сак инсофсизлик бўлмасмиди?

— Демак, ёрдам сўраб ариза берганларнинг турмуш шароити урганилар экан-да.

— Албатта, бусиз иложи йуқ. Нафақадаги бир аёл нафақа пу-ли дори-дармонга етмастани-ни айтиб, ёрдам сураб ариза берди. Ваҳдоланки, унинг бало-

Аёл ва жамият

ғатта етган угли, яъни боқувчи-си бор, савдо соҳасида ишлайди, топил-тутиши яхши. Шунинг о-на-хонимизга тушунтирсак, «углим менга қарамайди», — деди. Угли билан суҳбатлашдик. У онаси ёрдамга муҳтож эмаслигини, ҳеч нарсалар камчилиги йўқли-гини айтиди. Бундай ҳолатлар ҳам учраб туради.

— Мамлакатимизда муста-қилликнинг олти йиллик та-нталари давом этапти. Эши-тишимизча 1 сентябр сиз учун қўша-қўша байрам экан?

— Дарҳақиқат, шундай. 1 сен-тябр аввало, меннинг таваллуд тошган куним. Айнан шу кунни хотин-қизлар масалаларига ба-ғишланган номзодлик ишми-нинг ҳимояси муваффақиятли утган. Хуллас, байрам устига байрам.

— Ҳаётингиз доим ана шун-дай яхши кунлардан, байрам-лардан иборат бўлсин.

— Раҳмат, яхши тиллашларин-гиз «Оила ва жамият» газетаси жамоасига, кўп миң сонли уқув-чиларига ҳам ҳамроҳ булиши-ни тилайман.

Суҳбатдош: Даврон БЕК, Тошкент шаҳри

## ОИЛАНИНГ ИККИ УСТУНИ

Биз юмшоқроқ, гузалроқ ибораларга урганиб қолганмиз. Мабодо оиланинг икки устунини узгача ифодаласак, икки ҳимоя қуроли бор. Бири иқтисодий, бири маънавий. Ешларнинг шеър битишга қодирлиги бор, аммо рузгор қилишни билмас борми, оила бузилади.

Давлат ҳам рузгори маъмур бўлмаса, тузиди, мустақиллиги қозғола қолади. Оила — давлат деган эдик. Иқтисодни куриб чиқайлик. Уй, асбоб-анжом, қозон-товоқ керакми, керак. Қарияларнинг айтишича, «қора қозон қайнаши керак, икки марта булса яна яхши». Рузгор — насибанинг тубсиз гори. Оила қурилгач куп йиллар давомида ешлар ота-онанинг қарамоғида яшайверали. Ҳозир невараси бор келинлар ҳам қари ойисини ҳузурига келиб кечқурун нима овқат қилишни сурайди.

Оила — давлатдек қурил-

са борми, адолат бордек туюлади. Оилада кимдир уқийди, унга пул керак, бошқаси уйланади. Кимдир касал, унга кумак бермоқ керак...

Оила бошлиғи топилган маблағга қараб адолатли тақсимлашга ҳаракат қилади, аммо бир уғил куп пул ишлайди, бошқаси эса йўқ. Баъзи келинларда эса қайнонанинг ҳукмронлигига хоҳиш йўқ. Мустақил яшашни хоҳлайди, кейин жанжал булади.

Кимгадир маслаҳат бериш, насиҳат уқиш, дуқ уриш ва бошқа талбир-амалларни битмоққа истак ва хоҳиш анчагина. Шундай одоб ила китоб битилур, аммо китоб бошқа жавонда безрайиб туради ёки дуч келган ерда йиртилиб етади.

Оила — бу илм, тадқиқот ва хулосадур... Мақсадимиз шулки, ҳар бир инсон бахтли бўлсин, бошидаги фожиа ва туфонлардан ҳоли бўлсин.

Ақбар ЮНУСОВ

МАХТУМҚУЛИ ЗҮР ЭКАН...

Термизлик Худойберди Маҳмудов деган валломат одамнинг ор талашиб, майдон талашиб юрган катта-кичик туққиз нафар угли бор. Сурхондарё туйларида Худойберди оганинг полвон болаларидан ҳам албатта, ҳеч бўлмаса биттаси қатнашади, голиб булади, соврин олади, энг кизиги, элга томоша курсатишади. Ана шу туққиз нафар ака-ука полвонларнинг тунгичи Махтумқули учун бу йил анча зафарли кечмоқда. У шу йилнинг 4—6 апрел кунлари Термиз шаҳрида ал-Ҳаким ат-Термизий хотирасига бағишлаб утказилган миллий кураш буйича III халқаро турнирда қатнашиб, чемпион бўлди. Сунгра эса Мугулистонда бўлиб утган Осиё чемпионатида кураш тушиб, бронза нишонини қулга киритди.

Спортдан, хусусан миллий курашдан хабари бор одам яхши билади: Сурхондарёда Тоҳир Дурдиев деган зур полвон яшаб утган. Дунё курганлар, давра куриб юрганлар уни шу асрнинг зур полвонларидан бири эди, деб айтишмоқда. Яқинда ана шу доврўқли полвон хотирасига бағишлаб Жарқургон тумани марказидаги уйингоҳда мутлоқ голиблик учун турнир бўлиб утди. Курашда мамлакатимизнинг катта-катта полвонлари қатнашдилар. Голиблик учун қаттиқ кураш кетди. Полвонлар сараланиб-сараланиб, охири майдонда икки зур йигит қолди. Уларнинг бири Махтумқули Маҳмудов, иккинчиси эса Рустам Тураев эди. Сурхонда «темир қулли полвон» деб ном олган Махтумқули барибир зур экан, Рустам полвон Тураевни йиқитди. Майдон ҳаракатта келди, турнирнинг бош соврини Махтумқули полвонга насиб этди. Элнинг олқиши-ю таҳсини ҳам шу полвонники бўлди.

Маҳмуд АБУЛҒАЙЗ,  
Сурхондарё вилояти



Уста ва шогирдлар

## ТИЛ УЧИГА АСАЛ ҚҮЙГИН...

Муъжазгина ҳовли. Уч-туртагина дарахти бўлсаям, гоят батариблигиданми ё ҳовли уртасидан шарқираб оқаётган анхор сабабми, хушҳаво бир масканга киргандай яйраб кетдим. Турфа гуллар, жамбил-райҳонлар, усма, ялпиз... Аёл элиб-югуриб чой қилгунча «Бу уйда жудаям покиза, табиати нозик қизлар яшайди», деган тўхтамага келиб буддим. Дастурхон устида Аёл қизларини етти маҳаллага ёмонлаган кунни-қушниларидан гина қилди... Сал бўлмаса, мен ҳам унга қушилиб кетай дедим. Ахир, мана бу чинни чирокдай ҳовли, гул қуллар билан тикилган қуроқ ёстиқлар, оқорли курпачалар, эндигина ҳозорини очиб, чой дамлангандек топ-тоза чойнақлар, бе-

гард пиелалар — бу қизларнинг кимлигини айтиб турибди-ку. Биров атайлаб, ичи қоралик қилмаса, улар йигирмадан ошиб, онасига оғриқ бўлиб утириб қолишармиди?!

— Мол, эш-шак! Санга нечи марта айтдим косметичкамга тегма деб, яна ҳаром қўлингни тикибсан-да, қўлинг акашакка айлансин, атиримни тугатибсан-ку!

— Вой-вой, чучқа-ей, нага тухмат қиласан?! Сани арзон атирингга зор қобманми?! Олдин ушлаб, кейин сасисанг ҳам майли эди... Курга ухшаб, пайнаслаб, тусмоллаб гапирасан...

...Олдин уйдаги телевизорда бирон ҳажвий нарсга булайпти, деб хаёл қилдим.

— Қизлар тенгдош бўлса, шунанга «ғиди-биди»лариям булар-

кан... — деди Аёл.

У учун бундай гаплар одадий ҳол шекилли, ортиқча парво қилмади.

...Қўлимдаги чойим совуб, ичгунимча бунақа «ширин» айтишувлар бир неча марта такрорланди. Қизларнинг «репертуар»лари жуда бой эди — «ит», «хайвон», «бижиб утирибсан», «афтинга қарасам кунглим айнийди» ва ҳоказо...

Аёл ҳали қизларини «Ҳозир чиқишади, бир ёққа таралдуд қилишяпти», деган эди. «Сизга ухшаса жуда чи-

ройли қизлар, тасаввур қилаялман», ҳам деб қуйгандим.

...Ҳозир бу гаплардан сунг, рости, уларни кургим келмади.

Ҳалигина юрагимни кенгайтириб юборган ҳовлига бир ёмон ҳаво оралагандай бўлди, ишим шошилинчлигини баҳона қилиб турдим.

...Йул-йулакай энамнинг: «Қиз боланинг курки ярим бахти бўлса, тили яна ярим бахтидир, тил учинга асал қуйиб сузла», — деган уғитлари қайта-қайта эсимга тушди.

БИБИНУР

## СўНГГИ УСТУН

1989 йилда Буюк Британияда бақалоқ аёлларнинг Миллий ассоциацияси тузилди. У дунёдаги барча семиз аёлларни ҳеч қачон озмасликка даъват этиш билан шугулланади.

\*\*\*

1886 йил доктор Жонн Пембертон туқ кизини жигаррангли ичимлик яратди. Олдинга унга қўччилик эътибор ҳам бермади. Фақат 1894 йилда бу ичимлик шишаларга қуйила бошлангач, Coca-Cola бутун дунёга машҳур бўлиб кетди.

\*\*\*

1562 йилда Италиянинг йirik шаҳарларидан бири Неаполда жамоат жойларида упишиши тақиқловчи қонун қабул қилинган эди. Қонунни бузганлар улим жазосига маҳкум этилган.

\*\*\*

1973 йилда қиролича Елизавета II янги Лондон купринини тағтанали равишда очди. Эски куприни эса АҚШлик йirik миллионер сотиб олди ва қисмларга ажратиб юртига олиб кетди. Ушбу савдо Англия хазинасига 1 миллион фунт-стерлинг фойда келтирди.

\*\*\*

XVII асрда яшаган таниқли адиб ва драматург Совинен Сирано де Бержерак уз ҳаёти давомида минг мартадан купроқ дуэлга чиққан. Ҳаммасининг сабаби битта: рақиблари унинг узун ва бесунақай буринини мазаҳ қилиб қулишгани.

\*\*\*

Нобел мукофоти таъсис этилгандан бери утган 96 йил ичида ана шу нуфузли мукофот билан 634 марта эркаклар тақдирланган. Аёллар орасида эса бу мукофот соҳибалари атиги 28 нафар.

\*\*\*

Дастлабки ташқи разведка хизмати 1909 йилда Буюк Британияда ташкил этилган. Айниқса, 1 жаҳон урушидан кейин ва «совуқ уруш» деб аталган даврда разведка тармоғи деярли барча давлатларда тараққий этди. 90-йиллар бошида дунёдаги махсус хизмат бошқармаларида 2 миллионга яқин жосус ишлар эди.

\*\*\*

Англиянинг Галфонт шаҳридаги емакхоналардан бирида хурандаларга «Қайнона» номли сандвич тақлиф этишади. У қаттиқ нон, чандир гушт, илон тили ва тузланган бодрингдан тайёрланади. Қайнонасига «хурмати баланд» бўлган эркаклар «Қайнона»ни зур иштиёқ билан сийшмоқда.

ОИЛА  
ВА  
ЖАМИЯТ

БОШ МУҲАРРИР: МУҲАММАД ИСМОИЛ

Ҳомий:  
«Матбуот тарқатувчи»  
акциядорлик жамияти

МАНЗИЛИМИЗ:  
Тошкент-70000,  
Амир Темур кўчаси,  
1-гор кўча, 2-үй

Телефонлар:  
Бош муҳаррир — 133-28-20,  
котибият — 34-86-91,  
эълонлар бўлими — 136-56-52.  
Урол СОДИҚ навбатчилик қилди  
Обуна индекси — 64654  
Рўйхатга олин № 33  
Буюртма Т-0607  
32665 нусхада чоп этилди.  
Формати А-3, ҳажми 2 босма табоқ.  
Чопишба кунлари чиқади  
Баҳоеси эркин нархда